
Кичик Тағоб маҳалласига 400 кВА ли янги трансформатор келтирилди
Ўзбекистон тумани Кичик Тағоб МФЙ Ибрат кўчасидаги мавжуд қуввати 250 кВли
трансформатор, қуввати 400 кВА бўлган янғисига алиштирилмоқда. Янги 400 кВА
ли трансформатор маҳаллага етказиб келинди.

Ушбу хайрли тadbир туман электр таъминоти корхонасининг муносиб кўмаги ва
ҳудуд аҳолисининг ташаббуси, ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга
оширилмоқда.



Янги ТПнинг ўрнатилиши билан ҳудуддаги 250 дан зиёд хонадонлар, бир қатор ишлаб объектларига сифатли электр энергияси етказиб бериш билан биргаликда, технологик йўқотишларнинг олдини олиш таъминланади. Шунингдек ушбу ТП маҳалладаги давлат субсидияси кўмагида қазилган янги артезиан кудуғини ишлашига ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-06-14 21:12:44